

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРАЕВ БОХОДИР ТУРДАЛИЕВИЧ**

**XVI – XVIII АСР ЎРТАЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ**  
**ТАРИХШУНОСЛИГИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Жураев Боходир Турдалиевич**

XVI – XVIII аср ўрталарида Бухоро хонлигининг

тарихшунослиги.....3

**Джураев Боходир Турдалиевич**

Историография Бухарского ханства середины

XVI-XVIII вв.....23

**Jurayev Voxodir Turdalievich**

Historiography of Bukhara khanate in the middle of XVI-XVIII

enturies .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРАЕВ БОХОДИР ТУРДАЛИЕВИЧ**

**XVI – XVIII АСР ЎРТАЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ**  
**ТАРИХШУНОСЛИГИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2022**

Фалсафи доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2018. 4.PhD/Таг 393 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тил (ўзбек, рус, инглиз (резюме) да Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.terdu.uz](http://www.terdu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим тармоғи порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич  
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғафоров Шокир Сафарович  
тарих фанлари доктори, профессор

Пардаев Тошкентбой Ражабович  
тарих фанлари доктори., доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши мухандислик-иқтисодий  
институтини

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг 78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 08» 11 соат/0 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Барқамол Авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (99876) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: [termizdu@gmail.com](mailto:termizdu@gmail.com)). Термиз давлат университети, тарих факультети (фаоллар зали).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( 84-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, ТерДУ Барқамол Авлод кўчаси. № 43 уй. Тел.: (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17 e-mail: [termizdu@gmail.com](mailto:termizdu@gmail.com)).

Диссертация автореферати 2022 йил « 8 » 11 куни тарқатилди.  
(2022 йил « 8 » 11 даги 12 рақамли реестр баённомаси).



  
Р.Х. Холиқова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д.,  
профессор.

  
Х.Э.Ходмунинов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент.

  
Э.А.Қобулов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларидаги ижобий ўзгаришлар натижасида илк давлатчиликга асос солган қадимги давлатларнинг келиб чиқиш тарихига оид манбаларни ўрганиш, шу туфайли уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий тараққиётга қўшган ҳиссасини минтақавий географик жойлашувига қараб аниқлаш учун алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун халқларнинг ва давлатларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, юксалиши ва таназулга учраш сабабларига оид қадимий қўл ёзма манбаларни топиш, аниқлаш ва уни тарих саҳифаларига киритиш асосида тарихий-маданий мерос ва цивилизация тараққиётининг ҳудудларга хос жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганишга бўлган эътибор ортиб бормоқда.

Дунёни ривожланган АҚШ, Англия, Россия, Германия, Франция ва Италия мамлакатларида тарих-ижтимоий гуманитар фанлар соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни ўзига жалб этаётган Бухоро шаҳри тарихига тааллуқли манбаларни ўрганишга эътибор кучайиб бормоқда. Чунки, жаҳон таммадунига асос солган Бухоро шаҳри ҳудудида Бухорхудотлар, Сомонийлар, Бухоро хонлиги (Шайбонийлар, Аштархонийлар), Бухоро амирлиги ва БХСР каби тарихимизда муҳим аҳамият касб этган давлатларнинг пойтахти сифатида фаолият кўрсатиб келганлиги тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган 2022-2026 йилларга мўжалланган Тараққиёт стратегияси дастури асосида; “Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлгани барчага яхши маълум”<sup>1</sup>, унинг бир неча мингйиллик тарихи давомида бу ҳудудда йирик давлат бирлашмалари вужудга келганлигига оид манбаларни аниқлаш, ўз миллий давлатчилик тарихини манбалар асосида очиб беришдек улкан вазифа турибди. Жумладан, Бухоро хонлигининг Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳамда Манғитлар сулоласининг тарихини ўрганиш долзарб муаммога айланиб, халқимизнинг ўтмиш тарихидаги хўжалик ҳаёти, сиёсий ва маданий жиҳатдан тараққий этишидаги бой тажрибаларга оид манбаларни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар сратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 19 майдаги ПК-2980-сон “2017 - 2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 23 ноябридаги 930-сон “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бухоро хонлиги тарихшунослигининг асосий масалалари рус, совет, хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар асносида шаклланганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ушбу турли даврларда бажарилган илмий тадқиқотларни таҳлил қилар эканмиз, мавзу доирасида маълум бир хронологик давр яхлит умумий тарихшунослиги ҳолатини акс эттирувчи тадқиқот ҳали яратилмаган. Умуман олганда мазкур давр тарихшунослигини шартли равишда қуйидаги тўрт гуруҳ адабиётларига бўлиш мумкин:

- 1) XIX - XX аср бошларидаги рус шарқшунослари, саёҳатчилари, элчилари, ўлкашунос олимлари асарлари;
  - 2) Совет давридаги олиб борилган тадқиқотлар;
  - 3) Мустақиллик йилларидаги изланишлар ва нашр қилинган илмий адабиётлар;
  - 4) Мавзуга оид хорижий давлатларда олиб борилган илмий изланишлар.
- Мавзунинг ўрганилганлик даражаси 1- бобда батафсил берилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Термиз Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТД-1 “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** XVI-XVIII аср ўрталаригача бўлган даврда хонлик ижтимоий ва маънавий ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлганлигини хонликнинг тарихшунослиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, натижалари, муаммолари ҳамда унинг оқибатларини тарихий манбалар таҳлили асосида ҳолисона илмий ёритиш ва таҳлил этиш асосий мақсад қилиб олинди.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** Тарихий манбаларда тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда Ўзбекистон тарихидаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш ва хонлик тарихини мукамал, ҳолис, ўрганиш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- илмий тадқиқотларда Бухоро хонлиги тарихининг таҳлил қилиб ёритилиши ҳамда турлича ёндашувлар тенденциясини кўрсатиш;
- шарқшунос олимлар томонидан таржимаси амалга оширилган Бухоро хонлиги тарихига оид ёзма манбаларни ўрганишнинг динамикасини тадқиқ этиш, таҳлил этиш, ёзма манбаларнинг давр тарихшунослигини очиб беришда уларнинг аҳамиятини кўрсатиш;
- мавзуга тегишли бўлган турли соҳа вакиллари тадқиқотларини умумлаштириш, тизимга солиш ва ёндашувларини очиб бериш;
- Ўзбек давлатчилиги тарихида Шайбонийлар даври сиёсий жараёнлари тарихшунослигидаги мавжуд қарашлар ва муаммоли масалаларни сиёсий

фаолиятга доир илмий адабиётларнинг тарихшунослик таҳлилини амалга оширган ҳолда ёритиб бериш;

- Аштархонийлар даври ўзбек давлатчилигининг сиёсий ҳаёти тарихшунослигини қиёсий таҳлил қилиш;

- XVI аср бошлари – XVIII аср ўрталарида Бухоро хонлигининг халқаро муносабатлари тарихига оид тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- Бухоро хонлигининг шайбонийлар ва аштархонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, меъморчилик ва санъат, илм-фан ривожига тараққиётга оид тадқиқотларни ўрганиш, уларга ҳолис баҳо бериш;

- Бухоро хонлигининг ташқи давлатлар билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихшунослигини тадқиқ этиш ва тегишли ҳулосалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XVI - XVIII аср ўрталари Бухоро хонлиги тарихи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** XVI асрнинг бошларидан- XVIII аср ўрталаригача бўлган даврда Бухоро хонлиги тарихига оид илмий тадқиқотлар, манбашунос ва тадқиқотчиларнинг турли даврларда амалга оширган илмий изланишларида келтирилган фикрлар, қарашлар ҳақида ёндашувлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тарихий тадқиқотлар учун умумий қабул қилинган ҳолислик, тарихийлик, танқидийлик тамойиллари, муаммовий мушоҳада, қиёсий таҳлил усуллари ташкил этди. Хусусан, тарихшуносликнинг ўзига хос бўлган қиёсий-тарихий, муаммоли-хронологик, шунингдек ретроспектив методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Бухоро хонлигида ҳукмронлик қилган шайбонийлар ва аштархонийлар сулолаларидан фарқ қилувчи хонликнинг ҳудудий жойлашуви, хариталар, сиёсий бошқарув, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, ҳарбий тизими, диний муассасалар каби маълумотлар фаолияти илмий жиҳатдан далилланган;

Шайбонийлар, Бобурийлар ва Сафавийлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, Кўчкунчихон, Абу Саид, Убайдуллахон ҳамда Абдуллахон II ҳақидаги маълумотларнинг Сейди Раис, Антонио Женкинсон, Иван Хохлов каби чет эллик тадқиқотчилар томонидан ёритилганлиги, Балх ва унинг атрофидаги ҳудудлар “Балх давлати”, “Балх султонлиги”, “Балх хонлиги” ҳақидаги вақф ҳужжатлари, меъморий обидалари, элчилик ҳужжатлари ва тарихий манбалар асосида аниқланган;

Эрон шоҳи Таҳмасб билан савдо-сотик ва элчилик соҳаларида дипломатик муносабатларнинг кучайганлиги, Россия давлатининг Бухоро, Балх, Хива хонликлари билан савдо-иқтисодий ва элчилик алоқаларини йўлга қўйганлиги, тилла суви юритилган пўлат ва мис тулунбослар, «иякдан тикилган ва олтин қадалган» совутлар Бухорода ишлаб чиқарилганлиги далилланган;

Бухоро хонлигида хунармандчиликнинг тикувчилик, кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, қоғоз ва ганчкорлик санъати, гулкорлик ва наққошлик ҳунарлари, шунингдек, илмий билимлардан минералогия, ўсимликшунослик, муҳандислик, ирригация ва мелиорация, фикҳшунослик, тилшунослик каби фанларнинг тараққий этганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** XVI аср бошидан то XVIII аср ўрталаригача бўлган даврда хонлик ижтимоий-маънавий ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлганлигини хонликнинг тарихшунослиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, натижалари, муаммолари ҳамда унинг оқибатларини тарихий манбалар таҳлили асосида ҳолисона илмий ёритиш ва таҳлил этиш ва амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро хонлиги тарихининг ўрганилиш масаласи турли даврларда амалга оширилган тадқиқотлар тарихшунослик доирасида умумлаштирилди, тизимлаштирилди ва комплекс равишда тадқиқ этилиб, тавсиялар ишлаб чиқилган, Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлик даври давлат бошқаруви тизимига оид амалга оширилган илмий тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил қилинди, Бухоро хонлигининг XVI-XVIII аср ўрталаригача ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, илм-фан ривожини, меъморчилик ва санъат тараққиёти бўйича қилинган тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилди ҳамда тадқиқот натижалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда тарих ва музейшунослик фанига асосланиб, тан олинган ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилганлиги, рус, инглиз ва ўзбек тилидаги илмий адабиётларнинг қиёсий ўрганилганлиги, муҳим аудиовизуал материаллардан ва Интернет тармоғидаги расмий сайтлардан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбек давлатчилиги тарихшунослигида Бухоро хонлиги тарихининг ўрганилиши, тарихийлик, детерминизм, ривожланиш тамойиллари ва эмпирик ва гноселогик усуллари асосида ёритилиши мазкур муаммога оид хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти XVI-XVIII аср ўрталари Бухоро хонлигининг тарихшунослиги бўйича турли даврларда нашр қилинган илмий тадқиқотлар хусусида яхлит ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш, улар асосида илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Диссертациядаги материаллардан Бухоро хонлиги тарихига оид илмий тадқиқотлар яратишда, ўқув, услубий қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашда, шунингдек, Олий ўқув юртлари Ўзбекистон тарихи, тарихшунослик ўқув фанларида ҳамда махсус курсларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

“XVI-XVIII аср ўрталарида Бухоро хонлигининг тарихшунослиги” мавзусини ўрганиш юзасидан тўпланган маълумотлар асосида:

Бухоро хонлигида ҳукмронлик қилган шайбонийлар ва аштархонийлар сулолаларидан фарқ қилувчи хонликнинг ҳудудий жойлашуви, хариталар, сиёсий бошқарув, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, ҳарбий тизими, диний муассасалар каби маълумотлардан фойдаланилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” каналининг 2022 йил 6 апрелдаги 06-39-753-сон маълумотномаси). Бу эса Шайбонийлар, Бобурийлар ва

Сафавийлар, Кўчкунчихон, Абу Саид, Убайдуллахон ҳамда Абдуллахон II лар ҳамда Мовароуннахр ва Шимолий Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ҳақидаги маълумотларни аниқлашга хизмат қилган;

Шайбонийлар, Бобурийлар ва Сафавийлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, Кўчкунчихон, Абу Саид, Убайдуллахон ҳамда Абдуллахон II ҳақидаги маълумотларнинг Сейди Раис, Антонио Женкинсон, Иван Хохлов каби чет эллик тадқиқотчилар томонидан ёритилганлиги, Балх ва унинг атрофидаги ҳудудлар “Балх давлати”, “Балх султонлиги”, “Балх хонлиги” ҳақидаги вақф ҳужжатлари, меъморий обидалари, элчилик ҳужжатлари ва тарихий манбалардан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 18 февралдаги 89-02-222-сон маълумотномаси). Натижада, Бухоро хонлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги муҳим воқеа-ҳодисаларни ўрганишга, ушбу манбалардан қадимги ва ўрта асрлар даври ҳамда Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий хўжалик тарихи, дипломатик муносабатлари юксалганлигини илмий-тарихий жиҳатдан ҳолисона ёритишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича 7 та, жумладан 2 та халқаро конференция ва семинарларда ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, 3 та халқаро, 2 та республика журналларида ва 7 таси Халқаро ва Республика илмий-амалий конференцияларида мақолалар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ишнинг даврий чегаралари, муаммонинг ўрганилиш даражаси, манбавий асослари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган. Шунингдек, диссертациянинг назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, илмий натижалар ва тадқиқот натижаларининг апробацияси тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бухоро хонлиги тарихшунослигида муаммонинг қўйилиши ва ечимлари**» деб номланади. Биринчи параграфда илмий тадқиқотларда Бухоро хонлиги тарихшунослиги ёритилиши ҳамда турли ёндашувлар таҳлил қилинган. Бухоро хонлиги XVI-XVIII аср ўрталарига қадар бўлган даврда тарихшунослиги масаласи ўзига хос тарихга эга. Хонлик тарихини тўлақонли ўрганишда тарихий ёзма манбалар, архив ҳужжатлари, тарихий илмий адабиётлар қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, мазкур даврнинг ўрганилиш даражаси тадқиқот объекти сифатида

илмий жихатдан ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб ва унинг методологик асосларидан келиб чиқиб мавзуга бевосита тааллуқли бўлган адабиётларни шартли равишда тўрт гуруҳга (кириш қисмида тўрт гуруҳ берилган) бўлиб ўрганиш мумкин:

**Биринчи гуруҳга** минтақа ҳудудининг Россия империяси томонидан босиб олингандан то советлар ҳокимият тепасига келгунга қадар қадар бўлган даврда рус шарқшунослари, ўлкашунослари, элчилар ҳамда харбий саёҳатчиларининг асарларини киритиш мумкин.

Бухоро хонлиги ҳудудига XVI – XVIII асрлар давомида Антоний Дженкинсон, Флорио Беневени ҳамда Иван Хохлов каби элчи ва саёҳатчилар ҳамда олимлари ёзиб қолдирган асарлар ичида инглиз савдо ва дипломатия вакили А.Женкинсон<sup>2</sup>нинг эсдаликларидан муҳим маълумотлар беради.

Бухорога XVIII асрда ҳам кўплаб рус савдогарлари ва элчилари келганлиги маълум. Уларга мисол қилиб, 1753 йилда Хива ва Бухоро орқали самаралик савдогар Д.Рукавкинни<sup>3</sup> келтириш мумкин. XVIII асрнинг 80-йилларида Бухорога рус элчиси А.Бекчурин келган. 1794 йилда эса. Т.С.Бурнашев ўз саёҳати давомида қолдирган ҳисоботида савдо муносабатлари, қишлоқ ҳўжалиги, ҳунармандчилик, қўшинларнинг аҳволи ва бошқа масалалар хусусида етарлича маълумотлар келтириб ўтган<sup>4</sup>. Шунингдек, унтер офицер Ефремов<sup>5</sup> ва митрополит Хрисанфларнинг<sup>6</sup> ҳам маълумотлари муҳим ҳисобланади.

XIX асрдаги рус саёҳатчи тадқиқотчиларидан Е.К.Мэйендорфнинг<sup>7</sup> «Оренбургдан Бухорога саёҳат», П.Савельевнинг<sup>8</sup> «Бухоро 1835 йилда», Н.Ханыковнинг<sup>9</sup> «Бухоро хонлиги тавсифи», «Записки» П.И.Демезон ва И.В.Виткевич<sup>10</sup>ларни келтириб ўтиш мумкин.

С.В.Жуковский, А.Вамбери, Н.Г.Залесов, Н.П.Игнатъев, П.П.Мельгунов, М.Михайлов, Н.Пантусов, Н.И.Веселовский ҳамда А.Семёнов<sup>11</sup> ва бошқа

<sup>2</sup> Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке [Текст] / Пер. с англ. Ю.В. Готье; Отв. ред. Н.Л.Рубинштейн. - Ленинград: [б. и.], 1937. -С. 306.

<sup>3</sup> Рукавкин Д. Описания пути из Оренбурга к Хиве и Бухарам в 1753 г. // Новости литературы. Кн.5. – СПб.: 1823.-С. 26.

<sup>4</sup> Записки и словесные объяснения Мендиара Бекчурина об испытанных им во время бытности в Бухарии разных подробностей о состоянии сего города. – Пг.: 1916; Бурнашев Т.С. Путешествие от сибирской линии до города Бухары в 1749 году и обратно в 1795. // Сибирский вестник. Ч. 1-3. – СПб.Д 818. –С. 67.

<sup>5</sup> Ефремов. Десятилетнее странствование и приключения в Бухарии, Хиве, Персии и Индии и возвращение оттуда через Англию в России. – СПб.:1876, 1794 и 1811; Новое изд. – М.: 1950. –С. 43.

<sup>6</sup> Хрисанф, митрополит Новопатраский.О странах Средней Азии., посещенных им в 1790 г. / Введ. и примеч. В.В.Григорьева и чтения в Обществе истории и древности России при Московском университете. Кн.1. – М.: 1861. – С. 1-28.

<sup>7</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: 1975.-С. 65.

<sup>8</sup> Савельев П. Бухара в 1835 году с присоединением известий обо всех европейских путешественниках, посетивший этот город до 1835 года включительно. – СПб.: 1836. –С. 98.

<sup>9</sup> Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – М.: 1843. –С. 14.

<sup>10</sup> Записки о Бухарском ханстве /Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича. – М.: Наука, 1983. – С. 143.

<sup>11</sup> Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Петроград, 1915, - (Труды общества русских ориенталистов; №2). –С. 215.; Ўша муаллиф: К истории отношения России с Бухарой и Хивой конца XVIII века. Посольство переводчика Бекчурина в Бухару в 1781 г. // Восточный сборник. Кн. 2. – Пг: 1916. – С. 273-340; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Изд-во А.М.Мамонтова. – 1867. – С.369; Залесов И.Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843 год // Военный сборник, 873. № 27. – С. 3-46; Ўша муаллиф: Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатъева в 1858 г. // Русский вестник. – 1871, № 2, - С: 421-474; Ўша муаллиф: Очерк дипломатических сношений России с Бухарой с 1836

кўплаб тадқиқотчиларининг ишларида Бухоронинг кўшни ва Россия билан ташқи алоқалари тарихи баёни кенг ёритилганлигини таъкидлаш лозим.

Ушбу гуруҳга XIX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX аср бошларида нашр қилинган адабиётларни киритиш мумкин. Бу даврда рус тарихчилари, саёҳатчилари ва географлари томонидан Ўрта Осиёдаги хонликлар, жумладан, Бухоро хонлиги (амирлиги) тарихига ҳам оид бир қатор китоблар нашр қилинган. Булар жумласига М.А.Терентьев<sup>12</sup>, Д.Н.Логофет<sup>13</sup>, Н.А.Маев<sup>14</sup>, М.А.Варыгин<sup>15</sup>, Н.Ханьков<sup>16</sup>, Р.Ю.Рожевиц<sup>17</sup>, Н.Покотило<sup>18</sup>, В.В.Радлов<sup>19</sup> ҳамда В.И.Липский<sup>20</sup> ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Бу давр адабиётлари, асосан, Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси босқинига қадар ҳамда ундан кейинги даврга хос бўлиб, хонликларнинг ижтимоий, ҳарбий, географик ҳамда этнографик ҳолатига урғу берилган.

XIX-XX аср бошларида Бухоро хонлиги тарихининг турли аспектларида таникли бўлган Н.П.Остроумов<sup>21</sup>, Н.И.Веселовский<sup>22</sup>, А.А.Семёнов<sup>23</sup> ва В.В.Бартольд<sup>24</sup> каби тарихчи-шарқшунослар томонидан тадқиқ этилиб, И.А.Ремез, В.Л.Вяткин ва Л.А.Зиминларни киритиш мумкин. Кейинги даврларда эса манбаларга таянган ҳолда Бухоро хонлиги тарихининг ер-сув муносабатлари, иқтисодий ҳаёти масалаларини А.Х.Хамраев, О.Д.Чехович, М.А.Абдураимов ҳамда А.Маджлисовлар томонидан илмий асарлар ёзилди.

---

по 1843 гг.// Военный сборник, - 1862, №3, ( Туркестанский сборник. Т. 382. – Ташкент: Библ. им. Навои); Игнатъев Н.П. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъютанта полковника И.Игнатъева. – СПб.: 1897. –С. 278; Мельгунов П.П. Очерки по истории русской торговли IX-XVIII вв. – М.: Издание магазина “Сотрудник школ” А.К. Запеской. 1905. –С. 279.; Михайлов М. Наша среднеазиатская торговля // Всемирный труд. – 1867. Февраль. – С. 235-244; Пантусов Н. Торговые и караванные дороги в Туркестанском крае. – СПб.: 1876; Веселовский Н. Иван Данилович Хохлов, русский посланник в Персию и Бухару в XVII в. // Журнал Министерства народного просвещения. – 1891. Кн. I. – С. 42-72.

<sup>12</sup> Терентьев Е.М. История завоевания Средней Азии. Т. 1-3. – СПб.: 1906. –С. 34.

<sup>13</sup> Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1-2. – СПб.: 1911; Ўша муаллиф: Страна беспарвия: Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб.: 1909; Ўша муаллиф: В горах и равнинах Бухары (Очерк Средней Азии). – СПб.: 1913.-С. 56.

<sup>14</sup> Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V, – СПб.: 1879. С.77-129; Ўша муаллиф: Географический очерк Гиссарского и Кулябского бегства. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V, – СПб.: 1879. – С. 255-280.

<sup>15</sup> Варыгин М.А. Опыт описания Кулябского бекства. Известия ИРГО Т. L 11., Вып. 10, 1916. –С. 78.

<sup>16</sup> Рожевиц Р.Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. Известия ИРГО, Т. XIV, Вып 9, 1908;

<sup>17</sup> Покотило Н.Н. Путешествие в центральную и восточную Бухару 1886 г. Известия ИРГО Т. XXI, – СПб.: 1889.-С. 74.

<sup>18</sup> Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб.: 1843.; Записки о Бухарском ханстве (отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича) // Центральная Азия в источниках и мемуарах. – М.: 1983.-С. 43.

<sup>19</sup> Радлов В.В. Средняя Зерафшанская долина. Записки РГО по отделению этнография. Т. IV, 1880;

<sup>20</sup> Липский В.И. Горная Бухара. Т. 1. – СПб.: 1902. –С. 27.

<sup>21</sup> Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае // Журнал Министерства народного образования. Новая сер. 4,7. Январь. – 1907; Остроумов, Н.П. Сарты / Этнографические материалы. Изд. автора. Вып. 1. -Ташкент, 1890. 137 е.; Вып. 2. - Ташкент, 1892. – С. 175.

<sup>22</sup> Веселовский Н. Мангытская династия, ныне царствующая в Бухаре. // Туркестанские ведомости. - 1878.- №28; Ўша муаллиф: Иван Данилович Хохлов, русский посланник в Персию и Бухару в XVII в. – ЖМИП, 1891. Кн. 1 и др. –С.18.

<sup>23</sup> Семёнов А.А. В святой Бухаре // Русские ведомости. – 1899.- № 332, 351; Ўша муаллиф: По границам Бухары и Афганистана // ИВ. – 1902.- № 3 - 4; Ўша муаллиф: Средняя Азия. - М., 1911; Ўша муаллиф: Образцы таджикских официальных документов / Собрал и словарем снабдил А.А.Семенов. Изд. Туркестанского восточного института. Учеб. сер. – Ташкент: 1923 и др. –С.21.

<sup>24</sup> Бартольд В.В. Сочинение. Т.2. Ч. 2. - М.: 1964; Ўша муаллиф: История изучения Востока в Европе и России. Соч. Т. 9. – М.: 1977; Ўша муаллиф: К истории орошения Туркестана. Соч. т. 3, - М.: 1965; Ўша муаллиф: История культурной жизни Туркестана // Соч. Т. 2. Ч. 1. – М.: 1963. – С. 169-433.

**Иккинчи гуруҳда.** Совет даври тарихшунослигида ҳам баъзи бир адабиётларда Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи бир ёқлама баҳо берилган бўлса-да, мазкур давр тарихининг турли соҳаларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар, манбалар таржималари амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида XVI асрда Бухоро хонлигининг ташкил топишидан то XVIII аср ўрталаригача бўлган даврлар тарихига оид илмий тадқиқотлар савиясининг ортишига хизмат қилди.

Бухоро хонлигининг Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида бунёдкорлик ва илм-фан тараққиёти масалалари, шаҳарлари, аҳолиси ва ҳунармандчилик саноати тарихини О.А.Сухареванинг<sup>25</sup> В.В.Бартольд, Семёнов, Г.А.Пугаченкова ҳамда Л.И.Ремпель асарларида ҳам маълум маънода ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин<sup>26</sup>.

Мазкур давр тарихшунослигида алоҳида ўрин эгаллаган олимлардан бири Б.Аҳмедов<sup>27</sup> бўлиб, у совет тарихшунослигидаёқ ушбу масалаларга эътибор қаратган тадқиқотчи ҳисобланади<sup>28</sup>. Бухоро хонлигининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига доир кўплаб маълумотларни О.Д.Чехович<sup>29</sup> ва М.А.Абдураимов<sup>30</sup>ларнинг илмий ишларида ҳам топиш мумкин.

Бу мавзуга оид илмий изланишлар хусусида тўхталар эканмиз, Р.Г.Мукминованинг илмий изланишларини таъкидлаб ўтмасдан бўлмади<sup>31</sup>. Ҳ.Зияевнинг ушбу даврга оид бир қанча тадқиқотларида асосан Бухоро хонлигининг қўшни давлатлар билан муносабатлари ёритиб берилган<sup>32</sup>. Уларда хонлик тарихининг барча соҳаларига оид маълумотларни топиш мумкин<sup>33</sup>.

<sup>25</sup> Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. (Историко-этнографические очерк) – Ташкент: 1957.; Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX начала XX в. Ремесленная промышленность. – Ташкент: 1962.; Ўша муаллиф: Бухара XIX-начало XX вв. – Ташкент: 1966.; Ўша муаллиф: Квартальная община Бухары. Ташкент: 1973.-С. 14.

<sup>26</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Соч. – М.: 1963. Том II. Ч. I. – С. 109-166; Ўша муаллиф. Культура мусульманства / Соч. – М., 1966. Том VI. – С. 141-204.

<sup>27</sup> Б. Аҳмедов асарлари хақида қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2000. Жилд. I. – Б. 560.

<sup>28</sup> Аҳмедов Б.А. Шайбонийлардан кейин аштархонийларнинг ҳокимият тепасига келиши // Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 184-195.; Ўша муаллиф: История Балха (XVI в. – первая половина XVIII в.). – Ташкент: Фан, 1982.; Ўша муаллиф: Кўчманчи ўзбеклар давлати // Тарихдан сабоқлар. Т., 1994. – Б. 86.

<sup>29</sup> Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII-XIX вв. – Ташкент: 1954. – С. 56.

<sup>30</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI пер. пол. XIX. Т. 1. – Т.: 1966. –С. 368.

<sup>31</sup> Мукминова Р.Г. Очерки истории ремесла в Самарканде и Бухаре XVI в. – Ташкент, 1976. –С. 103. Ўша муаллиф: Ремесло и торговля // История Самарканда. – Ташкент, 1969. Т. I. – С. 195-212; Ўша муаллиф: К истории ремесленных мастерских кархана. Средневековый Восток. История, культура, источниковедение. – М., 1980. – С. 196.; Ўша муаллиф: Бухара – столица ханства, город купцов искусных мастеров. ОНУ. 1997. № 9-10-11. – С. 52-57.

<sup>32</sup> Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI – XIX асрлар). – Тошкент: 1962. – Б. 43.; Ўша муаллиф: Переписка правителей Шейбанидов и Аштарханидов с Ираном и Индией // Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. – Ташкент: 1993. – С. 99-109.

<sup>33</sup> История Бухары с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Изд-во «Фан», 1976. – С. 381.; История Казахской ССР. С древнейших времен до наших дней. В 5 т. [Гл. ред. колл.: А.Н.Нусупбеков (гл. ред.) и др.]. Т. 2. Развитие феодальных отношений. Образование казахской народности и Казахского ханства. – Алма-Ата: Наука, 1979. – С. 424.; История народов Узбекистана. Т.11. / Под ред. С.В. Бахрушина, В.Я.Непомнина, А.Шишкина. – Ташкент: 1947.-С. 511.; История Самарканда. Т.1.С древнейших времен до Великой Октябрьской социалистической революции. – Ташкент: 1969. –С. 484.; История таджикского народа. Т. 2. Кн. 2. – Москва: 1964. –С. 356.; История Узбекистана. Т.3. (XVI – первая половина XIX века). – Ташкент: 1993. – 476.; История Узбекской ССР: в 2 т. – Т.1. – Кн. 2: Середина XVIII в. – 1917 г. / Институт истории и археологии АН Уз. ССР /

3. Муқимовнинг ўз тадқиқотида Мовароуннаҳр ва Хуросонда темурийлар давлати барҳам топиши, ундан кейинги юз йил вақт мобайнида ушбу ҳудудда ҳукм сурган Шайбонийлар ҳокимият тепасига келиши, давлати тарихи ва ҳуқуқи, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат бошқаруви, ер эгаллиги, солиқлари, ҳарбий тарихи ва ҳуқуқлари асосий белгиларини асослаб беришга уринган<sup>34</sup>. Бундан ташқари тадқиқотнинг тарихшунослик қисмида В. Бартольд<sup>35</sup>, А. Семёнов<sup>36</sup>, Б. Аҳмедов<sup>37</sup>, Р. Муқминова<sup>38</sup>, Г. Ҳидоят<sup>39</sup> ва Азамат Зиё<sup>40</sup>, “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”<sup>41</sup> номли дарслик, “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”<sup>42</sup> номли ўқув қўлланмасида Бухоро хонлиги Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлик йилларига баҳо беради<sup>43</sup>.

**Учинчи гуруҳда.** Мустақиллик йилларида XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлиги ҳаётининг турли соҳаларига оид бир қатор диссертациялар химоя қилинди. Жумладан, Ҳ. Тўраев<sup>44</sup> докторлик диссертациясида XVI-XVII асрлар ҳаётида Жўйбор хожаларининг ўрни ниҳоятда катта бўлганини ҳамда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган икки сулола-Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида бу хонадон вакиллари мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатганликларини, шунингдек, Шайбонийлардан Абдуллахон II марказ Бухоро атрофида мамлакатни яна қайта бирлаштириш, марказлаштириш ҳамда яхлитлигини сақлаб қолиш йўлида курашганлиги ва бу йўлда унга кўмакчи бўлган Жўйбор хожаларининг аҳамияти катта бўлганлиги таъкидланади<sup>45</sup>. Диссертацияда В.Л. Вяткин, Е.Э. Бертельс, П.П. Иванов<sup>46</sup>, М.Й. Юлдашев, М.А. Абдураимов, И.Ф. Низомиддинов, Л. Раҳмонова, Б.А. Аҳмедов ҳамда И. Саидахмедовларнинг тадқиқотлари асосида Бухоро хонлигининг Абдуллахон ҳукмронлик йилларида Жўйбор шайхларининг ижтимоий-ҳўжалик ҳаёти, уларнинг ҳокимиятга таъсири таҳлили берилган.

---

Под ред. Мавлян Гафаровича Вахабова. 2-е изд., испр. – Ташкент: Издательство АН Уз. ССР. 1956. –С. 497.

<sup>34</sup> Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот. – Тошкент: “Адолат”, 2007. – Б. 156.

<sup>35</sup> Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. Изд. второе – Л.: 1925. – С. 258. Ўша муаллиф: История турецко-монгольских народов. Казахского высшего пед. института в 1926-27 учеб. году. Соч., Т., V. М., 1968. Ўша муаллиф: Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., Т., I, М., 1963.

<sup>36</sup> Семёнов А.А. Шейбанихан и завоевание империи Темуридов; Ўша муаллиф: Первые Шейбаниды и борьба за Мавареннахр // Материалы по истории узбеков и таджиков. Выпуск I. – Сталинобод: 1954. –С. 85-111.

<sup>37</sup> Аҳмедов Б.А. Кўчманчи ўзбеклар давлати // Тарихдан сабоқлар. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 54-100, Ўша муаллиф: Ўзбек улуси. – Тошкент: Нур, 1992. –Б. 149.

<sup>38</sup> Муқминова Р.Г. К Истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. по материалам «Вақфнаме». – Ташкент: “Фан”, 1996. Б-134.

<sup>39</sup> Қаранг: Ҳидоят Г.А. Менинг жонажон тарихим. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 304.

<sup>40</sup> Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 238.

<sup>41</sup> Эшанов А.И., Саматова Х.С., Уразаев Ш.З. История государства и права Узбекистана. Учебник. Часть I. – Ташкент: Ўқитувчи, 1969. – С. 62.

<sup>42</sup> Саидов А., Тошқулов Ж. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Ўқув қўлланмаси. – Тошкент: ИИБ Академияси. 1995. – Б. 32-34.

<sup>43</sup> Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот. – Тошкент: “Адолат”, 2007. – Б. 4.

<sup>44</sup> Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий – сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жўйбор хожаларининг туган ўрни. Тар.фан.док. автореф. – Тошкент: 2007. Б-43.

<sup>45</sup> Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий - сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жўйбор хожаларининг туган ўрни. Тар.фан.док. автореф. – Тошкен: 2007. – Б. 6.

<sup>46</sup> Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов. - М.-Л.: Изд-во АН ССР, 1954.

Г.Агзамованинг Ўрта Осиё шаҳарларига бағишланган мақоласида Самарқанд, Қўқон, Хива ва Марғилон шаҳарлари каторида Бухорога ҳам тўталаркан, унинг ҳам мудофаа деворлари билан ўралганлиги таъкидланади<sup>47</sup>.

Бухоро хонлиги ва амирлигининг хўжалик ҳаёти, иқлим шароити, иқтисодий алоқалари, этник таркиби, урф-одати, анъаналари сурхон воҳаси мисолида олиб борилган кўплаб объектив маълумотларни С.Турсунов<sup>48</sup>, Э.Қобилов<sup>49</sup>, Т.Пардаев, Н.Турсуновларнинг<sup>50</sup> асарлари ва диссертациялари хонлик тарихшунослигини тадқиқ этишда муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу даврга оид адабиётлар туркумига 2000 йилда нашр этилган “Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти”<sup>51</sup> киритиш мумкин.

XVI - XVII асрларда Бухоро хонлигидаги этник жараёнлар хусусида К.Шониёзов<sup>52</sup> ва А.Асқаровнинг<sup>53</sup> асарларида бирмунча тадқиқ этилган.

**Тўртинчи гуруҳда.** Кейинги давр адабиётларига асосан мавзу доирасидаги хорижий тадқиқотлар мисол бўла олади. Ушбу мавзуга оид дастлабки тадқиқотлардан бири сифатида Ф.Скрайн ва Е.Россинг Марказий Осиё тарихига бағишланган асарини келтириб ўтиш мумкин<sup>54</sup>.

Бу хусусда Д.Х.Джурабаевнинг мақоласида Бухоро хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига бағишлаган XIX – XX асрларда ижод қилган ғарблик бир катор тадқиқотчиларнинг, хусусан, Д.Боулжер, А.Вамбери, Дж.Керзон, Ж.Маллесон, Ж.Добсон, В.Е.Куртис, Ж.Ф.Райт, Г.Норман, С.Грэхэм, В.Жохелсон, Ж.Кунитс, В.Коатез, Мэри Холдсворт ва б. ўз асарларида Марказий Осиё тарихининг умумий масалаларига эътибор берган, дея фикр билдиради.

Инглиз олимаси Мэри Холдсвортнинг 1959 йилда нашр қилинган «XIX асрда Туркистон. Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларининг қисқача тарихи»<sup>55</sup> монографиясида муаллиф Ўрта Осиёдаги уччала хонлик тарихига қисқача бўлса-да тўхталиб ўтади. Хорижий тадқиқотчилар орасидан О.Бартон<sup>56</sup> ва унинг китобига Р.Д.Макчеснининг тадқиқоти ҳам ниҳоятда яқин бўлиб, унда XVII асрда Эроннинг Ўрта Осиёдаги хонликлар билан алоқалари ёритилади<sup>57</sup>.

<sup>47</sup> Агзамова Г. Сўнги ўрта асрларда Ўрта Осиё шаҳарлари: умумийлик ва хусусийлик // Ўзбекистон тарихи. № 2. - Б. 56-63.

<sup>48</sup> Турсунов С.Н. Д.Ёқубова. Сурхондарё тарихи. Тошкент. Тафаккур 2020.-Б. 162., Турсунов С. Н., Қобилов Э.А. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001.

<sup>49</sup> Қобилов Э.А. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Тар.фан.док. ... автореф. — Тошкент: 2019. –Б. 20.

<sup>50</sup> С.Турсунов, Т.Пардаев, А.Қурбонов, Н.Турсунов.Ўзбекистон тарихи ва маданияти ҳамда Сурхондарё этнографияси. Тошкент 2006. –Б.36.

<sup>51</sup> Саъдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: 2000. –Б. 272.

<sup>52</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 464.

<sup>53</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: 2007. –Б.42.

<sup>54</sup> Scrine, F. H., Ross, Ye. D. The Heart of Asia. A History of Russian Turkestan and the Central Asian Khanates from the Earliest Times. London, 1899.

<sup>55</sup> Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A brief History of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959.-P. 14.

<sup>56</sup> Burton, A. The Fall Herat to the Uzbegs in 1588 // Iran. XXVI. London The British Institute of Persian Studies. 1988. P. 119 - 123; Who was the first Ashtarkhanid Ruler of Bukhara? // Bulletin of the School of Oriental and African Studies. University of London. London, 1988.Vol. 51. Part.3.; The Bukharian Trade 1588 - 1718. Indiana University. Research Papers on Inner Asia. Indiana. 1993. №23.

<sup>57</sup> McChesney, R.D. The Amirs of Muslim Central Asia in the 17<sup>th</sup> century // Journal of Oriental and African Studies.

Аштархонийларнинг Нўғай ва Қрим хонликлари билан муносабатларининг турли масалалари А.Беннигсен ва К.Лемерсье-Кулқуджай асарларида ўрганилган<sup>58</sup>.

XIX асрдан то бугунги кунгача маҳаллий ва хорижий тарихшунослигида Бухоро хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар қилинганини айтиш мумкин.

Иккинчи параграфда ўрганилаётган мавзуга доир ёзма манбаларнинг ўрганилиши ёритилган. Тарихий манбашуносликнинг ўрганилиши XIX аср охирида Европада рўй бериб, тарихий асарларни каталоглаштириш ишлари билан бевосита боғлиқдир. Бу ўринда тузилган тарихий манбалар каталоглари орасида инглиз олими Чарлз Ръёнинг кўп томда нашр қилинган араб, форс ва ўзбек тилларидаги шарқ кўлёмалари каталоглари ўрта асрлар тарихимизга тегишли бўлган ёзма манбаларни ўрганишни бошлаб берган десак, адашмаймиз. Ч.Ръёнинг “Британия музейидаги ўзбек (кўлёмалар каталоги” (Лондон, 1888, инглиз тилида) (Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum by Rieu Charles.-London: 1888.432 p.) каталогида тадқиқотимиз доирасидаги кўплаб тарихий асарларнинг асосий маълумотлари ва ўрганилиш тарихи ҳақида маълумотлар топиш мумкин.

Бундан ташқари мавжуд каталоглар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти шарқ кўлёмалари каталогини ҳам келтириб ўтиш ўринлидир.

Тадқиқ этилаётган даврга оиб ёзма манбалар гуруҳи ниҳоятда кўп бўлиб улар қаторига XVI – XVIII асрлар тарихий ҳаётини ўзида акс эттирувчи тарихнавислар томонидан битилган асарларни киритиш мумкин. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Хондамирнинг “Ҳабиб уссияр”, Мулла Шодийнинг “Фатҳнома”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” (“Абдулланнома”), Муҳаммад Юсуф Муншининг “Тарихи Муқимхоний”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланнома” (XVIII асрнинг биринчи ярми), Абудрахмон Давлат Толеънинг “Тарихи Абулфайзхон”, Муҳаммад Қозимнинг “Номаи аламорои Нодирий” кабиларни келтириш мумкин. Бу тарихий манбалар қисман ўрганилган холос.

Бир ярим асрдан ортиқроқ вақт давомида ушбу давр тарихшунослигига оид анъанавий концепциялар, фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, Бухоро хонлигини ташкил топишидан то манғитлар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар бўлган тарихшунослигини яхлит очиб берувчи тадқиқот ҳанузгача яратилмаганини таъкидлаш лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби «**XVI – XVIII аср ўрталарида бухоро хонлигининг сиёсий жараёнлари тарихшунослиги**» деб номланади. Биринчи

---

1983.26/1 .P. 33 - 70; «Barrier of Heterodoxy»: Rethinking of the Ties between Iran and Central Asia in the 17<sup>th</sup> century // Pembroke Papers. 1996. № 4. -P. 231 -267.

<sup>58</sup> Bennigsen A., Lemersier-Quelquejay Ch. Le Grand Horde Nogay et le probleme des communications entrer Empire Ottomane et l'Asie Centrale en 1552 – 1556 // Turcica. Revue d'etudes turques; Bennigsen A., Veinstein G. La Grande Horde Nogay et le commerce des steppes pontiques (fin XV - 1560) // Turkienin sosyal ve economic tarihi, 1071 - 1920. O.Okuyar, H.Inalcik. Ankara, 1980. -P. 49 - 63.

параграфда Шайбонийлар даври сиёсий жараёнлари тарихшунослигида қарашлар ва муаммоли масалалар таҳлил қилинади.

Бухоро хонлигининг ташкил ториши ҳақида сўз бораркан, авваламбор, XV аср охирида ва XVI аср биринчи чорагидаги сиёсий жараёнларга эътибор қаратмасдан бўлмайди. Чунки XV аср охирида Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилар эди. Бухоро хонлиги номли давлатнинг вужудга келишида эса бевосита Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Шайбонийхон ва унинг авлодлари минтақада ҳокимият тепасига келишигача бўлган даврга тадқиқотчилар томонидан ҳам катта эътибор қаратилган.

Бухоро хонлиги тарихига оид бирламчи манбаларнинг таржималари ҳам нашр этилишига шарқшунос олимлардан В.В.Бартольд<sup>59</sup>, А.Семёнов<sup>60</sup>лар муносиб катта ҳисса қўшганлар. Ю.Брегель, Питер Б.Голден, Роберт Макчесни каби хорижий тадқиқотчи олимлар ўз тадқиқотларида сулола номи сифатида шибонийлар атамасини ишлатадилар<sup>61</sup>.

Тарихчи Т.Султанов ҳам уларга қўшилган ҳолда ўз фикрини Муҳаммад Шайбонийнинг тўғридан-тўғри авлоди ҳеч бир ҳудудда ҳукмронлик қилмаганлигини билан асослайди. Шунинг учун ҳам XVI асрда пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрда, кейинчалик Бухорода ҳукмронлик қилган сулола вакиллари Муҳаммад Шайбонийнинг авлодлари - Шайбонийлар эмас, балки Чингизхоннинг ўғли Жўчихоннинг ўғли Шибонийлар (Сибонийлар) деб аталиши, тўғри бўларди дейди<sup>62</sup>.

Хорижий илмий нашр бўлмиш - “*Encyclopædia Iranica*”да эса ушбу сулола вакилларига нисбатан бир йўла Шибонийлар, Шайбонийлар ва Абулхайрийлар атамалари ишлатилган<sup>63</sup>.

Мустақиллик йиллари тарихшунослигида ҳам ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий йўналишларда миллий ўзликимизни англаш, тарихимизни ҳаққоний ўрганиш, давлатчилик тарихимизнинг тадрижий илдизлари ҳамда аждодларимиз томонидан яратилган бой меросимизни ёритиш борасида қатор илмий изоанишлар олиб борилганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Хусусан бундай тадқиқотлар олиб борганлар сирасига А.А.Азизхўжаев<sup>64</sup>, Ҳ.Бобоев ва К.Норматов, Азамат Зиё, З.Муқимов, А.Х.Саидов, Ж.Тошқулов, А.Сагдуллаев, М.А.Ҳамидова ва бошқаларни киритиш мумкин.

Иккинчи параграфда Аштархонийлар даври ўзбек давлатчилиги сиёсий ҳаёти тарихшунослиги ўрганилади. 1601 йилдан бошлаб Шайбонийлар ўрнида

<sup>59</sup> Бартольд В.В. История турецко-монгольских народов., Конспект лекций, читанных студентам Казахского высшего пед. института и 1926-27 учеб. году. Соч., Т.V. – Москва: 1968. Ўша муаллиф: Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., Т. 1. – Москва: 1963. –С. 67.

<sup>60</sup> Семёнов А.А. Шейбанихан и завоевание империи тимуридов. - Материалы по истории узбеков и таджиков. Выпуск 1. – Сталинабад: 1954.; Ўша муаллиф: Первые Шейбаниды и борьба за Мавереннахр // Материалы по истории узбеков и таджиков. Выпуск 1. – Сталинабад: 1954. – С. 3-85, 85-111.

<sup>61</sup> The Cambridge history of Inner Asia. / Edited by Nicola di Cosmo, Allen J. Frank and Peter B. Golden. – Cambridge university press, 2009.; R.D. McChesney, Central Asia: foundations of change, The Darwin press, 1996. – P. 126.

<sup>62</sup> Султанов Т.И. Чингиз-хан и Чингизиды. Судьба и власть. – Москва., 2006. – С. 141.

<sup>63</sup> <https://iranicaonline.org/articles/bukhara-viii>

<sup>64</sup> Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 112.

ҳоқимият тепасига келган Аштархонийлар (адабиётларда Жонийлар ёки Тўқай Темурийлар деб ҳам аталади – Ж.Б.) сулоласи Мовароуннахр ва Шимолий Афғонистон ҳаётида сулоласи муҳим рол ўйнай бошлади.

Аштархонийлар даври манбаларини ўрганишга ўзини катта ҳиссасини кўшган шарқшунос олимлардан яна бири проф., А.А.Семёнов бўлиб, совет тарихшунослиги давридаёқ мазкур сулола тарихига бағишланган тарихий асарларни рус тилига таржима қилиб, нашр қилдирган эди. Айнан шу даврга оид манбалар билан боғлиқ илмий тадқиқотлар Е.А.Давидовичнинг илмий ишларидаги нумизматик материаллар билан янада бойитилгани ва давр тарихини ўзида акс эттириши билан характерланади.

